# ЎТИЛГАН МАВЗУНИ ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР:

1. НИМА САБАБДАН ЎЗБЕКИСТОНДА ЎРМОН ХЎЖАЛИГИ ҚЎМИТАСИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ?

2.ЎРМОН ФОНДИ ЕРЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ҚАНДАЙ ТУРЛАРИНИ БИЛАСИЗ?

3. ЎРМОН ФОНДИ ЕРЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ТЎҒРИСИДА ҲУҚУҚЛАРНИ ҚАНДАЙ ҲУЖЖАТЛАР МУСТАХКАМЛАЙДИ?

4. ЎРМОН ХЎЖАЛИГИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ НЕЧТА АСОСИЙ ҚОИДАСИ МАВЖУД?

# 14-Мавзу. 3-маъруза:
# ЎРМОН ФОНДИ ЕРЛАРИДАН ФОЙДАЛАНУВЧИЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

**Р Е Ж А:**

1. Ўрмон фонди ерларидан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари
2. Ўрмон фонди ерларидан фойдаланувчиларнинг мажбуриятлари

# Маъруза машғулотини ўтиш технологияси

| | |
|---|---|
| *Талабалар сони 89* | 14-Мавзу, 3-маъруза 2 соат |
| *Ўқув машғулотининг шакли* | Маъруза-ахборот |
| *Машғулотнинг режаси:* | 1.Ўрмон фонди ерларидан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари<br>2. Ўрмон фонди ерларидан фойдаланувчиларнинг мажбуриятлари |
| *Машғулотнинг мақсади:* ***Ўрмон фонди ерларидан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тавсифи тўғрисида тасаввурни шакллантириш*** |. | |
| *Педагогик вазифалар:* | *Ўқув фаолияти натижалари:* |
| 1.Ў рмон фонди ерларидан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари тўғрисида тушунчани беради.<br>2. Ўрмон фонди ерларидан фойдаланувчиларнинг мажбуриятлари тўғрисида тушунчани беради. | 1.Ўрмон фонди ерларидан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари тўғрисида тассавурга эга бўлади.<br>2.Ўрмон фонди ерларидан фойдаланувчиларнинг мажбуриятлари тўғрисида тассавурга эга бўлади. |
| *Ўқитиш услуби ва техникаси* | Визуал маъруза, намойиш, ақлий ҳужум, |
| *Ўқитиш воситалари* | Доска, топшириқлар, тарқатма материаллар. |
| *Ўқитиш шакли* | Фронтал, жамоавий иш, |
| *Ўқитишшарт- шароити* | Проектор, компютер билан жиҳозланган аудитория |
| *Мониторинг* | Блиц-сўров |

# МАЪРУЗАНИНГ ТЕХНОЛОГИК ҲАРИТАСИ

| Иш босқичлари | Фаолият турлари | |
|---|---|---|
| | Таълим берувчи | Таълим олувчилар |
| 1 босқич<br>Ўқув машғулотига кириш<br>15 дақиқа | Мавзу номи, мақсади, кутилаётган натижаларни, фойдаланиш мажбуриятлари етказилади. Машғулот маъруза ахборот шаклида олиб борилиши маълум қилинади | Тинглайдилар ва ёзиб оладилар |
| 2 босқич<br>Асосий қисм<br>55 дақиқа | 2.1.Мвзу режаси асосий тушунчалар билан танишиб чиқиш таклиф этилади.<br>2.2. Маъруза слайдлар Power Point тартибида намойиш этилади, ҳар бир слайд шарҳланади.<br>Мавзуга жалб қилувчи саволлар берилади.<br>2..3.Мавзу режалари бўйича хулосалар қилинади. Керакли маълумотларни дафтарда қайд этишлари кераклиги ёдга солинади.<br>3. Мавзуни ўзлаштирилганлик даражасини аниқлаш мақсадида тезкор сўров ўтказилади. (1-илова) | Ўқийдилар<br>Тинглайдилар, асосий маълумотларни дафтарга ёзиб оладилар, саволлар берадилар<br>Талабалар жавоб берадилар |
| 3 босқич<br>Якуний босқич<br>10 дақиқа | 3.1. Мавзу бўйича умумий хулоса қилади. Мавзунинг касбий фаолиятидаги аҳамияти ва ўрнига талабалар эътиборини қаратади.<br>3.2. Мустақил иш учун топшириқ берилади. (2-илова) | Тинглайдилар<br>Топшириқни ёзиб оладилар |

# МАВЗУНИ МУСТАҚИЛ ЎЗЛАШТИРИШ УЧУН ТАВСИЯ ҚИЛИНАЁТГАН МАНБАЛАР ВА АДАБИЁТЛАР


## Асосий:

1. Ben McFarlane,Nicholas Hopkins. Land Law: Text, Cases, and Materials. OUP Oxford, 2012
2.М.Ҳ. Рустамбоев ва бошқ. Ер ҳуқуқи. – Т.: Тошкент давлат юридик институти, 2002. – 237
3. Земельное право республики Узбекистан. Учебник. Под. ред. М.Х. Рустамбаева. ҳуқуқи.Т.:ТДЮИ, 2007.-215 стр.
4. А.Нигматов. Ер хуқуқи. – Тошкент.: “Ислом Университети”, 2001. – 191б.
5. А.Нигматов. Земельное право. – Тошкент.: “Ислом Университети”, 2001. – 189 б.
6.Узоқова Г.Ш. Аҳоли пункти ерларидан фойдаланиш ҳуқуқи.Т.:ТДЮИ, 2006.-117 б.
7.M.Mirzaabdullaeva, A.Muqumov, Z.Xafizova. Yer huquqi, O’quv qo’llanma.-T.:TIMI,2016.-196 b
8.Земелное право: Учебник / С.А. Боголюбов, Э.А. Галиновская; Под ред. С.А. Боголюбова – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004.-400 стр.

## Қўшимча:

9. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси (9-БОБ), Ўзбекистон,Т.:1998
10. Ўзбекистон Республикасининг қонуни “Ўрмон тўғрисида”.-Т.: Ўзбекистон, 1999
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги 2017 йил 11 майдаги ПФ-5041-сонли Фармони
12. Ўзбекистон Республикаси президентининг қарори ПҚ - 2966 “Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”, 2017 йил 11.05.

## Интернет ресурслари

1. http:// www. colibri.ru/;
2. http:// www. Lex.uz


Ўрмон фонди ерларида юзага келадиган ер муносабатларини тартибга солувчи манбалар
Қонунлар
Умумий ахамиятдаги қонунлар
Махсус ахамиятдаги қонунлар
1
2
3
1
2
3
Қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари
Ўзбекистон Республикаси Фармонлари
Давлат қўмиталари йўриқномалари
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг қарорлари
Тегишли вазирликлар буйруқлари

## Рекреация мақсадлари учун мўлжалланган ва тарихий-маданий ахамиятга молик ерларда юзага келадиган муносабатларни тартибга солувчи манбалар

### Қонунлар

### Қонуности ҳужжатлари

**Умумий ахамиятдаги:**

- Ўзбекистон Республикаси конституцияси.1992
- Ўзбекистон Республикаси қонуни «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»,1992
- Узбекистан Республикаси қонуни «Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида» . 2004

**Махсус ахамиятдаги:**

- Ўзбекистон Республикаси ер кодекси. 30.04.1998
- Ўзбекистон Республикаси қонуни "Ўрмон тўғрисида" 16.04.2018
- Ўзбекистон Республикаси қонуни «Яйлов тўғрисида» 20.05.2019

- Ўзбекистон Республикаси ВМнинг 2017 йил 11 майдаги ПҚ-2966-сон қарори "Ўзбекистон Республикаси ўрмон хўжалиги Давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»
- " Ўзбекистон Республикаси ВМнинг 2000 йил 5 июндаги 215-сонли қарори "Ўрмонларнинг қўриқланиш тоифаларини аниқлаш тартиби тўғрисида НИЗОМ»
- Ўзбекистон Республикаси ВМнинг 2005 йил 15 ноябрдаги 250-сон қарори билан тасдиқланган «Давлат ўрмон кадастрини юритиш тартиби тўғрисида низом"

**ЎРМОН ТУЗИШ**
**(3-боб 18-модда)**
(ўрмонларни муҳофаза қилиш, қўриқлашга, ўрмон хўжалиги ва ўрмондан фойдаланиш оқилона юритилишини таъминлашга қаратилган тадбирлар тизими )

- давлат ўрмон фонди участкаларининг чегараларини белгилаш ва давлат ўрмон фондининг ўрмондан доимий фойдаланувчилар фойдаланишидаги ҳудудининг ички хўжалигини ташкил этиш
- топография-геодезия ишларини бажариш ва ўрмонларни махсус харитага киритиш
- давлат ўрмон фондини ҳисобга олиш
- ўрмонларнинг етилиш ёшини белгилаш, ўрмон хўжалигини юритиш билан боғлиқ ўрмон дарахтларини кесиш режасини, дарахтларни кесиш ҳажмини ҳамда ўрмондан фойдаланишнинг бошқа турлари миқдорларини аниқлаш
- ўрмонларни муҳофаза қилиш, қўриқлаш, қайта тиклаш ва барпо этиш борасидаги ишлар ҳажмини, шунингдек бошқа ўрмон хўжалиги ишлари ҳажмини аниқлаш
- ўрмон тузиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва уларнинг амалга оширилиши устидан назорат қилиш

# ЎРМОНЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ЖАРАЁНИДА ҚУЙИДАГИ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛАДИ:

- чегараларни белгилаш ва ўрмон хўжалиги ёки ўрмончилик участкаси (ўрмон хўжалигининг маъмурий-ҳудудий бўлинмаси)га қарашли ўрмон фондининг ҳудудини ташкилаштириш
- ўрмонларни харитага чизиш ҳамда топография–геодезия масалалари бўйича зарурий ишларни амалга ошириш
- ўрмондаги дарахтларнинг турлари ва уларнинг ёшини аниқлаш, уларнинг ҳолати ва хўжаликда фойдаланиш масалаларини аниқлаш учун ўрмон фондини инвентаризация қилиш
- ўрмон фондидаги турли хўжалик ва бошқа тадбирларни ўтказилиши лозим бўлган участкаларни аниқлаш
- ўрмонларни гурухларга бўлиш ҳамда баъзи ўрмонларни бир гурухдан иккинчи гурухга ўтказиш масалалари бўйича таклифлар тайёрлаш ва уларни асослаб бериш;
- асосий ва ишлаб чиқаришда фойдаланиш мақсадида кесиладиган дарахтларни хисоб китоб қилиш
- ўрмонларни барпо этиш, ўрмонларни қайта тиклаш, ўрмонларни ёнғиндан муҳофаза қилиш, ўрмонларни турли зараркунандалар ва касалликлардан ҳимоя қилиш, бошқа хилдаги ўрмон хўжалиги ишларини амалга ошириш юзасидан ўтказиладиган тадбирларнинг турлари ва хажмларини аниқлаш;


ЎРМОН ФОНДИДАН ВА ЎРМОН ФОНДИ ЕРЛАРИДАН ФОЙДАЛАН ИШ ҲИЛЛАРИ
Доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан
субъектлар
ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари
Муддатли фойдаланиш ҳуқуқи билан
Субъект лар
Юридик ва жисмоний шахслар
Узоқ муддатли (10 йилгача)
Қисқа муддатли (3 йилгача)

# Ўрмон фонди ерларидан доимий фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари (21-модда)

- давлат ўрмон фондининг ўзларига бериб қўйилган участкаларида ўрмон хўжалигини мустақил юритиш, ўрмондан фойдаланиш
- ўрмон фонди ерларидан, сув ресурсларидан, кенг тарқалган фойдалиб қазилмалардан ўрмон хўжалиги эҳтиёжлари учун белгиланган тартибда фойдаланиш
- белгиланган тартибда йўл очиш, ўрмон маҳсулотини жойлаштириш учун майдончалар жиҳозлаш, ишлаб чиқариш ва уй-жой бинолари ҳамда иншоотлари қуриш
- тайёрланган маҳсулотга ва уни сотишдан олинган даромадга мулкдор бўлиш

## Ўрмон фонди ерларидан доимий фойдаланувчиларнинг мажбуриятлари (21-модда)

- ўрмондан фойдаланганлик учун ўз вақтида ва белгиланган тартибда ҳақ тўлаш
- муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар режимини таъминлаш
- ўрмондан фойдаланувчи бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини бузмаслик

## Ўрмон фонди ерларидан доимий фойдаланувчиларнинг мажбуриятлари (21-модда)

- ўрмонларни муҳофаза қилиш, қўриқлаш, улардан оқилона фойдаланиш ва уларни такрорий кўпайтиришни таъминлаш
- ўрмонларнинг давлат ҳисобини олиб бориш
- ўрмонларнинг ҳолатига ва уларни такрорий кўпайтиришга, тупроқ ва ҳайвонот дунёсига, шунингдек сув объектларининг ва бошқа табиий объектларнинг ҳолатига салбий таъсир кўрсатишга йўл қўймайдиган усуллар билан иш олиб бориш

## Ўрмон фонди ерларидан вақтинчалик фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари (22-модда)

ўрмондан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларда кўрсатилган давлат ўрмон фонди участкалари доирасида, муддатларида ҳамда ундан фойдаланиш турларида ўрмондан фойдаланишни амалга ошириш

белгиланган тартибда йўл очиш, ўрмон маҳсулотини жойлаштириш учун майдончалар жиҳозлаш, ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотлари қуриш

# Ўрмон фонди ерларидан вақтинчалик фойдаланувчиларнинг мажбуриятлари (22-модда)

- ўзларига бериб қўйилган яйловлар, пичанзорлар ва бошқа ўрмонзорлар дан оқилона фойдаланиш
- ўрмонларнинг ҳолатига ва уларни такрорий кўпайтиришга, тупроқ ва ҳайвонот дунёсига, шунингдек сув объектларининг ва бошқа табиий объектларнинг ҳолатига салбий таъсир кўрсатишга йўл қўймайдиган усуллар билан иш олиб бориш
- ўрмондан фойдаланган лик учун ўз вақтида белгиланган тартибда ҳақ тўлаш
- ўрмондан фойдаланувчи бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини бузмаслик

## Ўрмондан фойдаланувчилар ҳуқуқларининг кафолатлари

**Давлат, хўжалик ва бошқа органлар ҳамда ташкилотлар томонидан ўрмондан фойдаланувчиларнинг фаолиятига аралашишига йўл қўйилмайди**

**Ўрмондан фойдаланувчиларнинг бузилган ҳуқуқлари қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда тикланиши лозим**

**Ўрмондан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқларини бузиш оқибатида етказилган зарарлар (шу жумладан бой берилган фойда) тўла ҳажмда қопланиши лозим**

## Ўрмондан фойдаланувчилар ҳуқуқларининг кафолатлари

**Давлат, хўжалик ва бошқа органлар ҳамда ташкилотлар томонидан ўрмондан фойдаланувчиларнинг фаолиятига аралашишига йўл қўйилмайди**

**Ўрмондан фойдаланувчиларнинг бузилган ҳуқуқлари қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда тикланиши лозим**

**Ўрмондан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқларини бузиш оқибатида етказилган зарарлар (шу жумладан бой берилган фойда) тўла ҳажмда қопланиши лозим**

**ЎРМОНЛАРНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ**
**(3-боб 17-модда)**

- ўрмонларни муҳофаза қилиш, ҳимоя қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги қоидалар, нормалар ҳамда нормативларни белгилаш
- ўрмон тузиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш
- ўрмондан фойдаланишда чекловлар ва тақиқлар белгилаш
- ўрмондан махсус фойдаланиш ҳуқуқини тўхтатиб туриш, тугатиш ва бекор қилиш
- ўрмондан ўзбошимчалик билан фойдаланишнинг ва ундан фойдаланиш борасида белгиланган тартибнинг бошқа бузилишларининг олдини олиш
- хўжалик фаолиятини ва бошқа фаолиятни амалга оширишда ўрмонга зарарли таъсир кўрсатилишининг ёки унинг йўқ қилиб юборилишининг олдини олиш
- ўрмонларнинг мониторингини, давлат ҳисобини ва давлат ўрмон кадастрини юритиш

**ЎРМОНЛАРНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ**
**(3-боб 17-модда)**

- ўрмонларни муҳофаза қилиш, ҳимоя қилиш, кўпайтириш, такрорий кўпайтириш, қайта тиклаш, уларнинг маҳсулдорлигини ошириш ва улардан фойдаланиш соҳасида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш
- ўрмонларни муҳофаза қилиш, ҳимоя қилиш, кўпайтириш, такрорий кўпайтириш, қайта тиклаш, уларнинг маҳсулдорлигини ошириш ва улардан оқилона фойдаланиш соҳасида илмий тадқиқотларни ташкил этиш ҳамда амалга ошириш
- ўрмон фонди ерларида биотехник тадбирларни ўтказиш
- ўрмонларни ёнғинлардан муҳофаза қилиш, зараркунандалар ва касалликлардан ҳимоя қилиш чора-тадбирларини амалга ошириш
- Ўрмонларни муҳофаза қилиш чора-тадбирлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа йўллар билан ҳам амалга оширилиши мумкин

**Ўрмондан махсус фойдаланиш ҳуқуқининг тўхтатиб турилиши, тугатилиши ва бекор қилинишига асос бўладиган холатлар (5-боб 53-модда)**

**Ўрмондан махсус фойдаланиш ҳуқуқи қуйидаги ҳолларда тўхтатиб турилиши мумкин:**

- ўрмондан махсус фойдаланишнинг рухсат беришга доир талаблари ва шартлари бузилганлиги аниқланганда
- давлат ўрмон хўжалиги ваколатли органининг ўрмондан фойдаланишнинг рухсат беришга доир талаблари ва шартларига оид аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш тўғрисидаги қарори бажарилмаганда

## Ўрмондан махсус фойдаланиш ҳуқуқининг тўхтатиб турилиши, тугатилиши ва бекор қилинишига асос бўладиган холатлар (5-боб 53-модда)

### Ўрмондан махсус фойдаланиш ҳуқуқи қуйидаги ҳолларда тугатилади

- фойдаланиш зарурати қолмаганда ёки ундан воз кечилганда
- Фойдаланишнинг белгиланган муддати ўтганда
- ўрмон тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганда
- ўрмондан махсус фойдаланиш ҳуқуқи берилган жисмоний шахс вафот этганда ёки унинг фаолияти тугатилганда ёхуд юридик шахс тугатилганда

**Ўрмондан махсус фойдаланиш ҳуқуқининг тўхтатиб турилиши, тугатилиши ва бекор қилинишига асос бўладиган холатлар (5-боб 53-модда)**

**Ўрмондан махсус фойдаланиш ҳуқуқи қуйидагилар асосида бекор қилиниши мумкин:**

- ўрмондан фойдаланувчининг рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бекор қилиш тўғрисидаги аризасига кўра
- рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат қалбаки ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда олинганлиги факти аниқланганда

| Т/р | Маъруза мавзулари | Соат |
|---|---|---|
| | **7-семестр** | |
| 8 | Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг ҳуқуқий ҳолати | 4 |
| 9 | Қишлоқ жойларда яшайдиган фуқароларнинг ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланиш ҳуқуқлари | 4 |
| 10 | Аҳоли пунктлари ерларининг ҳуқуқий ҳолати | 4 |
| 11 | Шаҳарда яшаётган фуқароларнинг ердан фойдаланиш ҳуқуқи | 2 |
| 12 | Саноат, транспорт, алоқа, мудофа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерларнинг ҳуқуқий ҳолати | 8 |
| 13 | Алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудлар ерларининг ҳуқуқий ҳолати | 8 |
| 14 | Ўрмон фонди ерларининг ҳуқуқий ҳолати | 6 |
| | жами | 36 |

**4-КУРС ТАЛАБАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!!!**
**КУЗГИ ДАВРА УЧУН ЯКУНИЙ НАЗОРАТ ХАФТАСИ БОШЛАНМОҚДА!!!**
**БАРЧАНГИЗНИ ЯН ХАФТАСИГА ЭСОН-ОМОН ЕТИБ КЕЛГАНИНГИЗ БИЛАН ТАБРИКЛАЙМАН!!!**

| 4 гр | 5 гр | 6 гр | 7 гр | 8 гр | 9 гр |
|---|---|---|---|---|---|
| ЕР ҲУҚУҚИ | | | | | |
| 21.01. Ер ҳуқуқи {ассесмент} 15:00 5-бино-302 | 25.01 Ер ҳуқуқи {ассесмент} {Ёзма} 15:00 5-бино-302 | 22.01 Ер ҳуқуқи {ассесмент} 15:00 5-бино-302 | 28.01 Ер ҳуқуқи {ассесмент} 16:30 5-бино-208 | 21.01. Ер ҳуқуқи {ассесмент} 16:30 5-бино-402 | 24.01 Ер ҳуқуқи {ассесмент13:30 5-бино-403 |
| доц. Бобожонов А | доц. Бобожонов А. | кат.ўқит. Мукумов А. | кат. ўқит. Мукумов А. | проф.в.б Олтиев А. | проф. Авезбоев С. |
| кат. ўқит. Мукумов А | кат. ўқит. Мукумов А. | асс. Рўзибоев С. | кат. ўқит. Шарипов С. | кат. ўқит. Мукумов А. | кат. ўқит. Мукумов А. |
| асс. Рўзибоев С. | асс Усманов Ю. | асс. Усмонов Ю. | асс Усманов Ю.. | асс. Усманов Ю. | асс. Бегимова М |